



ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҲАМИША ЁДИМИЗДА

2 сентябрь куни давлат ташкилотлари вакиллари,

Тошкент шаҳри жамоатчилиги Ислом Каримовни ёд этиш учун йиғилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб,

Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.



Ислом Каримов мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилган ва уни тараққиёт йўлига олиб чиққан етакчидир. Давлатимиз раҳбари Мустақиллик байрамидаги нутқда бунинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлади:

“Айнан мустақиллик туфайли миллий давлатчилигимиз қайта тикланди. Ўзбекистон янги тарихий даврга қадам қўйди. Айнан истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалладик”.

Шундай қутлуг кунда давлатимиз мустақиллиги учун курашган ва унга хизматлари сингган ватанпарвар инсонлар хотирасини миннатдорлик билан ёдга олишимиз табиийдир. Биринчи Президентимиз тарихнинг туб бурилиш палласида, оғир даврда мамлакатимизга раҳбарлик қилган эди.

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Қуръон тиловат қилинди. Биринчи Президентимизнинг юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳоли турмушини яхшилаш борасидаги хизматлари ёдга олинди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари ҳам Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Хотира тадбирлари Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПАРАЛИМПИА ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СУЎБАТЛАШДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Париждаги Паралимпия ўйинларида ғалаба қозониб, терма жамоамиз ҳисобидаги олтин медаллар сонини бештага етказган енгил атлетикачилар Элбек Султонов, Ёркинбек Одилов ва таэквондочимиз Асадбек Тоштемиров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентимиз ўз номидан ва барча юртдошларимиз номидан спортчиларни самимий қутлаб, бу зафарлар энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик кунига муносиб совға бўлганини таъкидлади. Паралимпиячиларимиз мурасисиз белашувларда кўрсатаётган юксак маҳорат ва метин ирода бутун халқимиз, айниқса, ёшларни руҳлантираётгани қайд этилди.

Юртбошимиз йиғитларнинг мураббийлари ва ота-онасига миннатдорлик

билдириб, кеча совриндор бўлган спортчиларимизга ҳам салом ва табрик сўзларини йўллади.

Чемпионлар ҳар бир чиқишда давлатимиз раҳбари ва халқимиз қўлловини ҳис этганларини таъкидлаб, юртимизда паралимпия ҳаракати ривожига қаратилган эътибор ва яратилган шароитлар учун раҳмат айтдилар.

ЎЗА

Дил изҳори

ДУНЁНИНГ ЭНГ БАХТЛИ АЁЛИМАН

Бундан 28 йил олдин оддий ҳамшира бўлиб ишлардим, ойлигимга қўшимча даромад бўлади, деган мақсадда ишдан кейин гулчилик билан шугуллана бошладим. Уша пайт ушбу касбим туфайли келажақда Президентимизнинг назарига тушиш, кўп тармоқли тадбиркор бўлиш, давлатимизнинг юксак мукофотларини олишни ҳеч тасаввур қилмагандим.

Давоми 2-бетда

Тараққиёт одимлари

ҲАММА ЭШИКЛАРНИ ОЧАДИГАН КАЛИТ

фақат ва фақат таълим ва тарбиядир

Муаззам “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб ўтган мустақиллик байрами тантаналарининг шукуҳи юртимизнинг узок-яқин ҳудудларига таралиб, мухтарам Президентимизнинг табриғи юракларда ҳамон садолиниб турибди. Хусусан, давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий эътиборни бешта устувор йўналишга қаратгани, аввало, сифатли таълим тизимини йўлга қўйишни биринчи навбатдаги вазифа сифатида белгилаб бергани бизни беҳад қувонтириб, масъулиятимизни янада оширди. Зеро, табрикда таъкидланганидек, “Муаммоларимизнинг ечимини, саволларимизнинг жавоби фақат ва фақат таълимда. Ҳамма эшикларни очадиган калит ҳам — фақат ва фақат таълим ва тарбиядир”.



Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизда кейинги йилларда мактабга ва мактаб таълими ривожини йўлида тарихий ислохотлар изчил олиб бориляпти. Хозирда мактабга таълим ташкилотлари (МТТ) сони 37 минг 548 тага, 3-7 ёшли болаларни боғчаларга жалб этиш салкам 75 фоизга, 6 ёшлилар қамрови эса 93 фоизга етди. Бундан етти йил аввал болаларимизнинг боғчага қамрови бор-йўғи 27 фоизни ташкил қилганини эслашнинг ўзи соҳада катта ишлар амалга ошганини яққол кўрсатади. Шунингдек, 501 та давлат МТТларида даволат шахсни биометрик идентификация қилиш

технологияси орқали юритилиши йўлга қўйилди. Бу орқали электрон табеллар ҳамда асосий кўрсаткичларни шакллантириш, озиқ-овқат харажатлари ҳисобини юритиш имкони яратилди, 250 та давлат мактабга таълим ташкилотларида халқаро MELQO баҳолаш тизими жорий этилди. МТТларда “Ақлвой-ошпаз, боғчалар учун таомлар рецепти” тўпламидан фойдаланган ҳолда тузилган ягона мавсумий таомнома асосида тарбияланувчиларни овқатлантириш ташкил қилинди.

Давоми 2-бетда

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ИСТИҚЛОЛНИНГ УЗВИЙ БЎҒИНИ МАЪНАВИЙ МУСТАҚИЛЛИКДИР

Ўзбекистон бугун сиёсий мустақилми? Бу саволга баралла “ха” деб жавоб бериш мумкин. Давлат байроғимиз БМТ қароргоҳи рўпарасида ҳилпираб турибди. Қолаверса, МДХ, ШХТ, ИХТ каби нуфузли минтақавий ташкилотларнинг ҳам қомил ҳуқуқли аъзосимиз. Қатор халқаро ва минтақавий масалаларда Ўзбекистоннинг қарашлари ва нуқтаи назари билан ҳисоблашади, позицияси инobatта олинади.

Масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясини олайлик. Унда Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббусларга аъзо давлатлар яқдиллик билан хайрихоҳлик кўрсатмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг 2 июлида Бош Ассамблеянинг Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш юзасидан минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияси қабул қилинди. Зеро, Ўзбекистоннинг иштирокисиз минтақада бошланган



бирор жараён муваффақиятли яқун топиши қийин. Уша йилнинг 12 декабрида халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси — Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисидаги резолюцияни тасдиқлади. Шунингдек, Орол денгизининг экологик инқироз ва Афғонистон

муаммоси бўйича қизгин муҳокамалар давом этмоқда. Чунки бу икки масала минтақавий кўринишга эга бўлса-да, аслида, глобал аҳамият касб этади.

Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқалар ўрнатган барча давлатларда дипломатик ваколат-

хоналаримиз фаолият кўрсатмоқда. Буни юртимиздаги дипломатик корпуснинг салмоғи ҳам тасдиқлайди.

Иқтисодий мустақиллигимиз ҳам мустаҳкам. Унинг таркибий қисмлари бўлган энергетика, галла ва умуман, озиқ-овқат, сув мустақиллиги ва бошқалар таъминланган, айрим йўналишларда биз ҳатто экспортчи мақомига эгамиз. Ўзбекистон саноқли автомобилсоз мамлакатлар қаторидан жой олган. Хорижий давлатлар билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосидаги савдо-иқтисодий муносабатлар йил сайин ривожланиб бормоқда. Қайси мамлакатдан делегация келмасин ё давлатимиз раҳбари қайси юртга ташриф буюрмасин, бу воқеа-ҳодисаларга доир ахборот манбаларида савдо айланмаси ва инвестициялар оқими юксалаётганини, ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш учун янги-янги келишувларга эришилаётганини кўриш мумкин.

Давоми 3-бетда

ОЛТИН АВЛОД ҚУДРАТИ — ЮРТ КЎРКИ

ФРАНЦИЯДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Кунини кеча пара енгил атлетика бўйича эркаклар ўртасида Ф41 классиди Бобур Омонов олтин медални қўлга киритди. Эътиборлиси, Бобур Омонов 14.32 метр натижа қайд этиб, ўзи томонидан 2021 йил Токиода ўрнатилган Паралимпия ўйинлари рекордини ҳам янгиллади. Шу тариқа у икки карра чемпионга айланди.

Аёллар ўртасида F54 классиди ядро улоқтириш бахсларида Нурхон Қурбонова ҳамда пара енгил атлетика бўйича эркаклар ўртасида T12 классиди узунликка сакраш бахсларида Дониёр Салиев қумуш медалларга сазовор бўлди.

1 сентябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Париждаги Паралимпия ўйинларида ғалаба қозонган параатлетлар билан телефон орқали суҳбатлашди. Таъкидлаш жоизки,

давлатимиз раҳбари билан телефон орқали бу каби мулоқотлар спортчиларимиз ҳамда уларнинг мураббийларига алоҳида мотивация, руҳий куч-қувват бермоқда.

Паралимпиянинг кечаги кун яқунлари бўйича Ўзбекистон делегацияси ҳисобида 6 олтин, 4 қумуш ва 4 бронза, жами — 14 медал жамғариб, кучли ўнға давлат таркибиди бўлиб турибди.





ЎЗБЕКИСТОН СЕН БИЛАН

Паралимпия чемпиони Асила МИРЗАЁРОВАГА

Эй юзлари ойдin киз,
Эй сўзлари болдин киз,
Кумушни ҳам олтинга
Айлантирган олтин киз,
Сен ҳаммадан биринчи,
Сен ҳаммадан олдин киз,
Элнинг эзгу дуоси —
Қутлуг замон сен билан,
Ўзбекистон сен билан,
Ўзбекистон сен билан!

Азиз Ватан, халқимнинг
Кўз устида турган сен,
Жаҳон аҳли нигоҳин
Ўзи томон бурган сен,
Юртбошининг меҳрини
Қалби билан кўрган сен,
Кўнгилларни тўлдирар
Меҳри уммон сен билан,
Ўзбекистон сен билан,
Ўзбекистон сен билан!

Сакрагандек Амудан
Жалолддин самани,
Бир сакраб лол айладинг
Бутун олам — ҳаммани,
Яна бир бор юксалди
Эл ғурури, юрт шаъни,

Қадингни ур, қаддингни
Давру даврон сен билан,
Ўзбекистон сен билан,
Ўзбекистон сен билан!

Маним осмон кўнглимни
Яна айлаган осмон,
Кўзимда қувонч ёши,
Хар томчиси бир дoston,
Сен асл қаҳрамонсан,
Икки қарра қаҳрамон,
Метин каби ирода,
Сабру иймон сен билан,
Ўзбекистон сен билан,
Ўзбекистон сен билан!

Бир ярашган, кўксингда
Олтин нишон турибди,
Юлдузларни опичлаб
Кўкда туғ — шон турибди,
Шоҳсулада Асила —
Ўзбекистон турибди,
Худо берган саодат —
Шавкату шон сен билан,
Ўзбекистон сен билан,
Ўзбекистон сен билан!

Ғайрат МАЖИД

Муваффақиятларим асоси, аввало, юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, аҳил оила аъзоларимнинг доимий қўллаб-қувватлаши ва албатта, Ўзбекистонда туғилганимда деб биламан. Булар бари менинг фахрим ва қувончимдир.

ДУНЁНИНГ ЭНГ БАХТЛИ АЁЛИМАН

Дил изҳори

Яратганга шуқр, камтарона хизматларим муносиб қадрланмоқда. 2017 йили “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилган бўлсам, 2022 йили хотин-қизлар байрами арафасида “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирландим.



Шарофат НОРИЕВА,
“Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган тадбиркор”
фахрий унвони соҳиб

Бошланиши 1-бетда

Кунларнинг бирида тақдиримни ўзгартирган воқеа содир бўлди. Ўша йиллар Жиззах шаҳрида фақат “Кўк бозор”да гуллар растаси бор эди. Бир киши растадаги барча гулларни кўриб, охирида менинг олдимга келди, бир гулни танлаб харид қилди. Буларни ким етиштириб бераётгани ҳақида сўради. Мен гулчиликка қизиқишимни, ишдан кейин ўзим гулчилик билан шуғулланаётганимни айтдим. Харидор, албатта, бу ишимни ривожлантиришим зарурлиги, гулчилик яхши касб экани ва тадбиркорликнинг келажаги борлигини айтиб кетди.

Кейин билсам, харидор ўша пайтдаги вилоятимиз ҳоқими, ҳозирги пайтда мамлакатимизни янги ва юксак тараққиёт босқичига олиб чиқаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёев экан. У кишининг сўзлари менга катта куч ва далда берди. Шундан сўнг бор эътиборимни гулчиликка бағишладим.

Дастлаб ушбу соҳада катта тажрибага эга Фотиما Шодиевага шогирдликка тушдим. Ҳамкорликда “Флора гуллари” МЧЖ-ни ташкил этдик.

Билимимни ошириб, етарли даражада тажрибага эга бўлганимдан сўнг ўзим мустақил равишда гулчилик билан шуғулланишга қарор қилдим. “Холмўминов Зоҳид” номли фермер хўжалигини ташкил қилиб, аҳоли ва ташкилотларга гул, манзарали дарахларни етказиб беришни йўлга қўйдик. Тез орада гул ва манзарали дарахлар билан таъминлашда вилоятдаги асосий таъминотчи бўлдим. Ўз навбатида, фермер хўжалигимни кўп тармоқлига айлантирдим. Хориждан зотдор эчки олиб келиб, сут етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этдик. Кўнчилиكنи ривожлантирдик, бундан ташқари, иссиқхона, тикувчилик ва нон пишириш цехлари фаолиятини йўлга қўйдим.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантириш шахсан давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида турибди. Айниқса, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётда уларнинг роли ва фаолиятини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни, албатта, эътироф этиш лозим.

Бу йил учинчи марта Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотида иштирок этдим. Олдинги мулоқотлардан руҳланиб, фаолиятимни кенгайтирдим. “Гулчи опа ва

томорқа хизмати” кластери, 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, ёш тадбиркорларни ўқитиш учун 100 ўринли марказ фаолиятини йўлга қўйдик. Юздан зиёд доимий, 300 га яқин мавсумий иш ўрни ташкил этганимиз. Шунингдек, ҳозирги кунда Шароф Рашидов туманидаги Олмачи маҳалласида ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритяпман. Шу билан бирга, Тошкент аграр университетининг учинчи курс талабасиман.

Айни пайтда маҳалламизда қарийб саккиз минг фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг салкам минг нафари чорвачилик, паррандачилик, кўнчилилик, юздан ортиқ хонадон эгалари эса иссиқхоналарда гул, помидор, бодринг, қўқатлар етиштириш билан шуғулланоқда.

Маҳалламиз аёлларини тадбиркорликка ўргатиб, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйиш, банкдан кредит олишда ёрдам берапман. Натижада юзлаб ишсиз хотин-қизлар бутун ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, ҳам оиласи фаровонлигини таъминлапти, ҳам солиқ тўловчи сифатида юртимиз тараққиётига ҳисса қўшапти.

Бундан ташқари, ижтимоий дафтарларда турувчи мингга яқин хонадонга иссиқхона қуриб, ундан даромад олишни ўргатдим.

Яратганга шуқр, камтарона хизматларим муносиб қадрланмоқда. 2017 йили “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилган бўлсам, 2022 йили хотин-қизлар байрами арафасида “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирландим.

Президентимизнинг жорий йилги тадбиркорлар билан учрашуви эса мен учун яна бир унутилмас кун сифатида тарихга муҳрланди. Давлатимиз раҳбари мен каби бир қишлоқ аёлнинг меҳнатини алоҳида эътироф этди, айниқса, Жиззахдаги Меҳрибонлик уйи 15 нафар тарбияланувчисини қарамоғимга олганимни оқийлаб, мамлакатимизда янги таъсис этилган “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони билан тақдирлашга қарор қилганини эълон қилганида, бутун иштирокчилар буни қўллаб-қувватлади. Ушбу лаҳза ростдан ҳам жуда ҳаяжонли ўтди. Кўзларим қувончдан ёшланди. Хурсандлигимдан сўз тополмай, Президентимизга раҳмат, дея олдим ҳолос. Буларни сўз билан ифодалаш қийин.

Энг улуғ, энг азиз айём — давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги байрами арафасида вилоят ҳоқими Эргаш Салиев вилоят фаоллари иштирокида Президентимиз номидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини тантанали равишда топширди. Жамиятимизнинг энг бахтли аёлларидан бириман, десам ҳеч муболага бўлмади. Чунки мамлакатимиз тарихида биринчи бўлиб ушбу фахрий унвон билан тақдирландим.

Бу, ўз навбатида, катта масъулият эканини ҳис қилиб турибман. Насиб қилса, фаолиятимни янада кенгайтириб, янги зафар марраларига эришиб, ушбу ишончини оқлайман, албатта.

Шу ўринда Президентимизнинг жорий йил биз — тадбиркорлар билан ўтказган қарийб беш ярим соатлик очик мулоқотида соҳани янада ривожлантириш учун муҳим вазифалар белгилангани, янги имконият ва имтиёзлар эшиги очилганини қайд этмоқчиман. Ишончким комилки, бу эътибор ва яратиб берилаётган қўлай ишбилармонлик шароити юртимиз тараққиёти, бой ва саҳий тадбиркорларимиз сафи кенгайиши, асосийси, юртдошларимиз турмуш даражаси юксалишига хизмат қилади.

Муваффақиятларим асоси, аввало, юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, аҳил оила аъзоларимнинг доимий қўллаб-қувватлаши ва албатта, Ўзбекистонда туғилганимда деб биламан. Булар бари менинг фахрим ва қувончимдир.

Тараққиёт одимлари



Ҳилола УМАРОВА,
мактабгача ва мактаб
таълими вазир

Бошланиши 1-бетда

2024 йилги Инвестиция дастури доирасида 177 та МТТда қурилиш-таъмирлаш ва жихозлаш ишлари амалга оширилиши белгиланди. Мазкур мақсадлар учун 1,02 триллион сўм йўналтирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жами умумтаълим, Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар сони 10 минг 328 тани ташкил этиб, уларда олти ярим миллиондан ортиқ ўқувчи тахсил оляпти. Хусусий мактаблар сони эса 489 тага етказилди.

2023/2024 ўқув йилида 500 та мактабда ихтисослаштирилган мактабларининг баҳолаш тизими жорий этилиши натижасида ўқувчилар ўзлаштириши 53 дан 59 фоизга ўсди. Бундан, албатта, ўқитувчилар ҳам манфаат кўрмоқда. Яъни янги баҳолаш тизими жорий қилинган раҳбар ва ўқитувчиларга 10-40 фоизли устамалар бериш тизими жорий этилди.

Умуман олганда, педагогларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида қатор ойлик устамалар белгиланди. Халқаро даражада тан олинган сертификатга эга ўқитувчиларнинг иш ҳақи миқдори сезиларли ошди, Шунингдек, вазир жамгармаси, директор жамгармаси ишлаб турибди, қолаверса, олис ҳудудга бориб ишлайдиган ўқитувчиларга алоҳида устама ва имтиёзлар берилмоқда. Ўқувчилари халқаро олимпиадаларда галиб бўлган педагогларга БХМнинг 450 бараваригача муқофот ажратилади. Айни пайтда умумтаълим мактабларининг 6000 дан зиёд педагоглари 1000 АҚШ долларидан юқори миқдорда иш ҳақи олмоқда. Бу рақамлар йилдан йилга ортиб бормоқда ва юқори маош олиш учун ҳеч қандай чеклов белгиланмаган. Ўз устида ишлаган ўқитувчи борки, албатта, меҳнатига яраша рағбат топади.

ҲАММА ЭШИКЛАРНИ ОЧАДИГАН КАЛИТ фақат ва фақат таълим ва тарбиядир

Яна бир муҳим масала шундаки, давлатимиз раҳбари топиригига мувофиқ, мактабларимизда иккинчи хорижий тилни ўқитиш йўлга қўйилди. Зеро, жадид боларимиз пешқадамларидан бири Маҳмудхўжа Бехбўдий ҳам тараққиёт шиддатидан келиб чиқиб, “икки эмас, тўрт тил лозим”, дея бонг урган эди. Мактабларимиз учун иккинчи хорижий тил сифатида танланган — инглиз, немис, француз, корейс, япон ва хитой тиллари бўйича ўқув дастурлари яратилди. Ўтган ўқув йилида 208 та мактабда иккита хорижий тил ўқитила бошланган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида бу мактаблар сони 356 тага етказилмоқда. Умумий ўрта таълим муассасалари 10-синф ўқувчиларини иккинчи хорижий тилга ўқитиш мақсадида Германиянинг Klett-Verlag нашриётидан немис тили, Франциянинг Hachette Livre International нашриётидан француз тили, Грециянинг MM Publications нашриётидан инглиз тили, Хитойнинг Beijing Language and Culture



2023/2024 ўқув йилида 500 та мактабда ихтисослаштирилган мактабларининг баҳолаш тизими жорий этилиши натижасида ўқувчилар ўзлаштириши 53 дан 59 фоизга ўсди. Бундан, албатта, ўқитувчилар ҳам манфаат кўрмоқда. Яъни янги баҳолаш тизими жорий қилинган раҳбар ва ўқитувчиларга 10-40 фоизли устамалар бериш тизими жорий этилди.

University Press нашриётидан хитой тили дарслик мажмуалари харид қилинди.

Бу ҳақида гап кетганда, яна бир янгилик тахлилига эътибор қаратиш мақсада мувофиқ, Давлат умумтаълим мактабларига ўтган йилда 500 нафар хорижий мутахассис — “тил эгалари” жалб этилди. Натижада улар фаолият олиб борган 500 та мактаб ўқувчиларининг тил билиш даражаси ҳудудлар кесимида ўртача 5 фоиздан 15 фоизгача ошганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, тил билиш сертификатига эга мактаб ўқувчилари сони 2024 йилда 37 минг 74 нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2021 йилга (10 минг 960 нафар) нисбатан 3,3 қарра ошган. Миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга педагоглар сони 2021 йилда 1944 нафар (5 фоиз)ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга

келиб, улар сони 27 минг 992 нафарни ташкил этиб, 56,5 фоизга етказилди.

Ўқувчиларимиз ўртасида хорижий тилларни билишни рағбатлантиришда Президент соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танлови ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур танловда 14-16 ёшдаги 110 мингга яқин ўқувчилар иштирок этди. 2023/2024 ўқув йилидаги танловнинг Республика босқичида қатнашган 70 ўқувчидан 39 нафари хорижий тилларни С1 даражада, 30 нафари Б2 даражада билиши аниқланди. Бу, албатта, юқори натижа ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим тизимидаги муҳим ислохотлардан яна бири 288 та мактабда касб-хўнарга ўқитиш йўлга қўйилганидир. Қувонарлиси, 3805 ўқувчи касб орқали

даромад топишни бошлади, ушбу тизим самарасини кўрсатиб турибди. Мисол учун, ўқувчиларимиз ахборот технологиялари соҳасида 10 миллион сўмгача, ишчи касблар орқали 3 миллион сўмгача даромад топмоқда.

Янги Ўзбекистонда Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган очик прагматик ташқи сиёсат натижалари таълимда ҳам ўз ифодасини кўрсатяпти. Жумладан, мактабларимиз PISA, TIMSS, TALIS, PIRLS халқаро тадқиқотларида иштирок этмоқда. Бу жараён бизга таълим тизимидаги ўзгаришларни ҳолис халқаро илмий ҳулосалар асосида олиб бориш имконини беради. Шунинг учун бундан кейин ҳам халқаро тадқиқотлардаги иштирокимизни узлуksиз давом эттирамиз. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан ҳамкорликда 2025 йил апрель-май ойларида мактабларимизда PISA халқаро тадқиқотларини ўтказишни режалаштирганимиз.

Бизга ифтихор бағишлайдиган яна бир ютуқ, бу — ўқувчиларимизнинг халқаро олимпиадаларда эришган натижалари йилдан йилга яхшилланиб бораётгани билан боғлиқ. Халқаро олимпиадаларда жорий йилнинг ўтган даврида ўқувчиларимиз томонидан 121 та медаль қўлга киритилди (2023 йилда 69 та бўлган). Ҳали олдимизда Информатика халқаро олимпиадаси турибди, умид қиламизки, ўқувчиларимиз унда ҳам яхши натижаларга эришади.

Мактабдаги ислохотлар самараси шубҳасиз педагогик жамоанинг салоҳиятига чамбарас боғлиқ. Шунинг учун биз кейинги йилларда малака ошириш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Айни йўналишда Президентимизнинг 2024 йил 21 июндаги “Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуksиз касбий ривожлантириш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида А.Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтини ташкил қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Тизимдаги 262 минг 745 нафар раҳбар ва педагог кадрлар малакаси оширилиб, 7949 нафар стажёр-ўқитувчи касбий сертификатлаш синовларига жалб этилди, 455 нафар амалдаги директорлар ва 864 нафар директор лавозимига номзодлар менежерлик ўқув курсларида ўқитилди. Мактабгача ва мактаб таълими тизими ходимларини узлуksиз касбий ривожлантиришнинг вертикал тизими яратилди.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ ва табиий фанлар бўйича 260 нафар, инглиз ва француз тиллар бўйича 129 нафар маҳаллий тренер тайёрланди. Маҳаллий тренерлар томонидан каскад усулида ўтказилган тўрт босқичли тренингларда жами 10 минг 159 нафар директор, 39 минг 725 нафар математика ва 48 минг 225 нафар табиий фан ўқитувчиси халқаро таълим дастурлари асосида ўқитилди.

Алоҳида таъкидга арзийдиган муҳим масала — 189 минг 858 нафар ўқитувчи FaceID ҳамда Blockchain технологияси асосида малака тоифа синовида ўтказилганидир. Бу йўналишда шаффоф ва адолатли тизим яратилди, дея ишонч билан қайд этиш мумкин.

Вазирлик томонидан амалга татбиқ этилаётган юқоридagi каби чора-тадбирлар таълим сифатини оширишга хизмат қилса, мактаблардаги инфратузилмани яхшилаш борасида ҳам қатор ишлар жадал олиб бориляпти. Хусусан, жорий йилдаги Инвестиция дастури доирасида 608 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 181,5 минг ўқувчи ўрни яратиш мақсади қилинган. Бу учун бюджетдан 3,7 триллион сўм маблағ ажратилган. Бошқа манбалардан яна 40 минг ўқувчи ўрни яратилди.

Биз мактаб ва мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш учун “Мактаб — маҳалла — оила” тизими асосида иш олиб бормоқдамиз. Ёшлар тарбияси соҳасининг

илмий-методик таъминотини амалга ошириш, бу борада маҳалла ва ота-оналар ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлаш, ота-оналар ва ўқитувчилар учун ушбу мавзуга оид ўқув ва оммабоп адабиётлар яратишни тизимли йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг тегишли қарори билан Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этилди. Буюк аждодларимиз ва жадидларнинг комил инсонни шакллантириш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид ёндашувларини тадқиқ қилиш ҳамда замон талабларига мос равишда таълим жараёнида қўлшл бўйича илмий асосланган ишланмалар ва методикаларни яратиш институтининг асосий вазифалари қаторида белгиланди.

Бундан ташқари, уч босқичли “Турон” мактаб театри танловини доимий ўтказиб боришни йўлга қўйиш орқали ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш ҳамда маънавий тарбияда амалий ишларни олиб боришни мақсад қилганимиз. Илк бор ташкил этилган танловда 101 мингдан ортиқ ўқувчи қамраб олинди ва бу танлов ҳар йили давом этади. Ҳозирда барча мактабларимизда “Жадидлар изидан” номли катта лоийҳани бошлаш арафасида турибмиз. Бош мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, китоб мутолааси ва китобхонликни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Олдимизда ҳали яна бир қатор долзарб масалалар турибди. Жумладан, мактабгача таълим қамровининг умумий даражасини 76 фоизга, 6 ёшлар қамровини 96 фоизга етказиш, 1000 та мактабда янги баҳолашни жорий этиш, 1000 нафар директорликка номзод тинловчинини “Менежерлик ўқув курси”да ўқитиш, 100 минг нафар педагогнинг аттестацияга жалб қилиш, “Касбий ривожлантириш кунини” доирасида 1100 та таъни мактабда 87 минг нафар ҳамкасбимизнинг касбий маҳоратини ошириш каби муҳим вазифалар шулар жумласидан.

4 сентябрь кунини мамлакатимиз бўйлаб биринчи кўнгироқ садолари янграйди, билимлар куни нишонланади. Бу йил биринчи синфга 700 мингдан ортиқ жажжи ўғил-қизларни қабул қилдик. Уларга Президент совгалари тайёрлаб қўйилди. Барча синфхоналарда илк сабоқлар Мустақиллик дарслари билан бошланади. Бу буюк нъматнинг қадри қанчалар юксаклигини, уни кўз қорачиқидек асраш ҳаммамнинг муқаддас бурчи экани ҳақида устозларимиз, таниқли юртдошларимиз сўз юритади. Ишонамизки, янги ўқув йили янада қўлшл ютуқларга бой бўлади. Келажагимиз эгалари билим қалити билан бахту иқбол эшикларини очади.

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!



ИСТИҚЛОЛНИНГ УЗВҲИЙ БЎҒИНИ МАЪНАВИЙ МУСТАҚИЛЛИКДИР

Бошланиши 1-бетда

Транспорт коммуникациялари жадал ривожлантирилмоқда. Биз Каспий денгизига, Форс кўрфази ва бошқа минтақаларга чиқадиган темир йўл ва автомобиль йўллари бар-по-етилиш бўйича кенг миқёсда ҳамкорликка асос солганмиз.

Худди шундай фикрларни маданий-гуманитар соҳада ҳам айтиш мумкин. Хорижий мамлакатлар вакиллари юртимиздаги маданият ва санъат, илм-фанга онд анжуманларда, спорт мусобақаларида, бошқа тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон маданият ва санъат намоёндалари, олим ва тадқиқотчилари, спортчилари чет давлатлардаги фестивалларда, илмий семинар ва симпозиумларда, турли фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида шунчаки меҳмон эмас, балки анъанавий қатнашчиларга айланган. Биз учун яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўзбекистонликларнинг бу тадбирларда гомлиблик қилиши кўпчиликл учун фавқулодда ҳодиса эмас, кутилган натижа ўрнида қўрилади. Яъни маданият ва санъат, илм-фан ва спортдаги салоҳиятимиз аллақачон дунёга танилган ва эътироф этилган.

Буларнинг барчаси истиқлол байрами арафасида ҳам, бошқа вақтларда ҳам тез-тез тилга олинади. Аммо алоҳида тўхталлиш лозим бўлган яна бир мавзу бор. **Мустақиллики мустақамлашда маънавий мустақиллик ҳам ғоят муҳим ўрин тутади. Унингсиз истиқлолнинг барқарорлигини таъминлаш имкони йўқ.**

Нима учун шундай? Чунки бирор халқни йўқ қилиш учун ядровий қурооллардан, қудратли армия босқинидан ҳам қучлироқ омили бор. Бу ўша халқнинг халқлигини йўқ қилишдир. Бунга унинг ўзлигини, маданиятини, тарихини, бир сўз билан айтганда, маънавиятини барбод қилиш билан эришилади. Маъшуҳ дипломат ва разведкачи, 1953-1961 йилларда Марказий разведка бошқармаси бошлиғи бўлган Аллен Даллеснинг шўро давлатини парчалаш тўғрисидаги фикрларини эслайлик. Унинг айтганлари совуқ уруш даврида мамлакат аҳолисини ҳуфиз тарзда маъна-ахлоқан бузишга қаратилган эди. Афсуски, ўша фикрлар ва шунга ўхшаш “ғоялар”дан бутунг кунда ҳам турли бузғунчи қучлар фойдаланишдан тўхтагани йўқ. Биз Аллен Даллесни айбашдан йироқмиз, у жосуслар сардори сифатида ўз вазифасини бажарган. Лекин унинг айтганлари ва бошқаларнинг шунга ўхшаш фикрлари ҳар қандай соғлом ақл эгасини ҳушёр тортиради.

“Инсон табиаи шундайки, у қийинчилик пайти тасалли излайди: кимдир динга муккасидан кетади, бировлар ичкиликка берилади, яна бошқалар бузуқликдан таскин топомқчи бўлади, — деган эди маъшуҳ жосус. — Урушдан кейин бу халқ оғир аҳволда қолди. Жан-гуз жадалларда турмуш ўртоғини йўқотган бевалар, севгилис ташлаб кетган қўнчанак қизлар, ҳаётда ўз ўрнини топа олмай юрган аламзада йиғитлар... Уларга Худого таваккал қилишни маслаҳат беринг, ҳар хил оқимларга қўшиб юборинг, бундай оқимлар бўлмаса, ўзингиз ташкиллаштиринг! Улар ичкиликни яхши қўради, урушдан олдин қўлбола самозон



Анвар БОБОЕВ

тайёрганларини эсига солинг, шунда ўзларини дунёни сув босса, тўпугига чиқмайдигандек тутта бошлашади. Кейин тошқин содир этинг: улар қаёққа бошқарсангиз, ўша томон юради. Улар латифаларни яхши қўради. Шу хусусда “ёрдам беринг”, бузғунчи ва эртасини мазох қиладиган латифаларни кўпайтириб, тарқатинг. Нишонга аниқ тегадиган латифа яшин мисол тез ёйлади. Улар “гап келганда, отангни ҳам аяма”, дейди. Демак, латифа бири бўлмаса бирининг онгига ютқа бўлса ҳам доғ қолдиради ва бу аксиомет каталлизатор бўлиб хизмат қиладди. Ҳар бир халқнинг умиди — ёшлар. Биз ана шу табақа давлатни алдашига эриш-шимиз керак. Ёшлар ўйин-қул-гига мойил бўлади, уларнинг онгига йўл топшида шунчи ёдда туттиш лозим. Уларнинг ақл-тафаккурини ҳаётдан маъно йўқлиги ҳақидаги оғу билан заҳарланг, жинсий масалаларга қизиқишини кучайтириб, оммалашган бемаза рақслар, чиройли латта-путта, махсус пластинка, шеър ва қўшиқлар билан ўзингизга оғдириб. Фарзандлар ҳар доим ота-онага тавна қилиш учун баҳона топа олади. Шундан фойдаланинг! Ёшларни катта авлод билан низолаштиринг. Мен алоҳида олсин ҳар бир вазият учун яна ҳам кўп усуллари айтиб беришим мумкин. Бир гапни айтаман, холос: руҳий-ахлоқий кураш усуллари қўлашга ижодий ёндашиб, янги-янги нарсаларни кашф қилишимиз керак, токи уларнинг тарбиёти бизга етиб ололма-син ва биз доим бир қадам олдинда бўлай-лик”.

Тарчи бу гаплар 60-70 йил аввал айтилган бўлса-да, биз аллақачон шўро мустамлак-сидан озод бўлган эсак-да, юртимизда ва бошқа мамлакатларда худди мана шу усуллари-нинг аломатларини ҳозир ҳам кўришимиз мумкин. Уларни бутун умумий қилиб “оммавий ма-даният” деб атаймиз.

Мана, “сарик матбуот” зўр бериб қўйди-чики хангомаларни ёзда, “ҳаётний воқеа асосида суратга олинган” телесериаллари-мизда ҳам бузуқлик ҳақидаги воқеа-ҳодиса-лар ҳақида кўп гапирилади, илгари ётоқхона саҳнаси умуман бўлмаган бўлса, ҳозир эр-хотиннинг диалог, асосан, ўша ерда кечаяпти. “Севгилис ташлаб кетган қўнчанак қизлар, ҳаётда ўз ўрнини топа олмай юрган аламзада йиғитлар” образларини матбуотда ҳам, теле-видениеда ҳам бот-бот учратамиз, ижтимоий тармоқларни-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Булар қаторига демократия ниқоби билан турли тубан, инсонийликдан йироқ ҳаракат қўшилади. Қатор давлатларда қақчалик ҳам салмоғи бўлмаган озчилик қўнчилиқка ҳу-қуқини юргизмоқда. Овертон тўйнуғи бутун кўз олдимизда намоён бўляпти: айрим мамлакат-ларда бир жинсли бўлмас ва педофилияни қонунийлаштириш ва ёш болаларни жинсини ўзгартиришга чорлаш ҳолатлари учравпти, халқаро миқёсда олсак, эркакларнинг гўё жин-сини ўзгартирган бўлиб, спорт мусобақалари-да безбетлик билан аёлларга қарши майдонга тушиши каби ҳунуқдан ҳунуқ манзаралар ку-затиляпти. Булар бир маҳаллар жиноят ҳисоб-ланган бўлса, бутун қайсидир маънода фахр манбаига айланиб борапти. Демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси бу бузуқликка баҳо-на, холос. Асл мақсад жамиятларни пароканда қилиш, анъанавий қадриятларни йўқотишдир.

Ёшлар фақат ўйин-қулгига эмас, ўзлари қизиқарли санаган ҳамма нарсасига интилади. Дискотека, наркотик моддалар, ичкилик, айшу ишрат қаторида дин ниқобидаги турли оқимларга ҳам. Уларни чалғитиш жуда ҳам осон. Чунки мия, онг ҳали вакуум, бўшлиқ ҳолатида бўлади, нимани биринчи бўлиб ташласангиз, ўшани маҳкам тутиб қолади.

“Улар ичкиликни яхши қўради”. Бу умумий айтилган гап бўлиб, аслида, кайфу сафо назарда тутилган. Ичкиликка берилмаган бўлса-да, наркотик моддалар ё улар каби таъ-сир қиладиган таъкиқланган дори воситалари-ни истеъмол қилувчилар, афсуски, йўқ эмас. Жуда бўлмаганда, қувватни ошириб, танани жунбўшга келтирадиган, жазавани кўзгай-диган ичимликлар истеъмол қилиб, тонгтача дискотекадан бери келмайдиганлар топилади.

Латифа борасидаги гапга ҳам кўп мисол келтириш мумкин. Ҳар хил “қизиқчи” гу-руҳлар вужудга келди, улар минглаб одамлар-ни йиғиб катта-катта томошалар уюштиряпти, залдагилардан ташқари ижтимоий тармоқлар орқали уларни минг-минглаб одамлар қўриб, гўё ҳордиқ чиқарилади. Кўпчилик наздида “ҳақиқатни айтаётган”, “ҳаётний гаплардан сўзлайдиган” бу гуруҳлар ёшлар онгига таъ-сир қилмайди, деб ўйлаш катта ҳафодир. Улар-нинг беҳаё шоуларини кўрганлар ҳаётини шу асосда шакллантиришга интиломаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Безбетлик, андишасиз-лик, бетгапарлик, катталарга ҳурматсизлик, кичикларга бешафкатлик, жамоат жойларда ҳам беҳаё гапларни баянда овозда айтишга қў-ниқиб каби иллатлар неғизига руҳий-ахлоқий, бошқача айтганда, маънавий қашшоқлик, енгил-елпи ҳаётни афзал қўриш, ватан, чин муҳаббат, поклик, ҳалоллик, бағрикенглик, тўғрисузлик, муросасозлик, ҳушмуомалалик каби фазилатларни менсимаслик, бундай хис-латлар эгаларини қоқоқликда айблашга ўхша-ган муаммолар ётади.

“Оммалашган бемаза рақслар, чиройли латта-путта, махсус пластинка, шеър ва қўшиқлар билан ўзингизга оғдириб”. Рақслар ҳамон бор, чиройли латта-путта ёнига те-лефон ва бошқа “ақли” техника қўшилди, пластинка ўрнини ижтимоий тармоқлар ва USB дисклар эгаллади, ҳозирги шеър ва қў-шиқларнинг аксариятини шеър ва қўшиқ деб бўлмайди. Фонограмма тинглаш учун концерт залларига талашиб-тортишиб чи-пта сотиб олишнинг ўзи қулғили, лекин айни пайтда жуда ачинарли ҳолат.

“Фарзандлар ҳар доим ота-онага та-вна қилиш учун баҳона топа олади. Шундан фойдаланинг! Ёшларни катта авлод билан низолаштиринг”. Кийим-кечак, янги айфон, автомобиль, тила буюм, тенгдошлари би-лан машаат учун пул, ўқиб ё ишга киритиб қўйиш ва ҳоказони талаб қилиб, ота-онаси



билан жанжал қилаётганлар йўқ десак, ҳақиқатдан кўз юмган бўламиз. Буни тан олишдан кўрқмаслик, аксин-ча, шундай муаммо боли-гини эътироф этиб, бартараф қилиш чораларини кўриш за-рур. Қиёмат яқинлашганининг аломатларидан бири онанинг ўз хожасини дунёга келтириши ҳақидаги ҳадисни кўпчилик яхши билади. Бутун катталар фарзандини ўзинга ҳўжайин қилиб олмаслиги ке-рак. Уни фақат эрқалаш, айтганини шу заҳоти муҳайё қилиш билан чекланмай, тергаб туриш, ўқиб ва ишларини, давома-тини текшириб бориш, феъл-атвори, ҳуқли, ўзини туттиши ва юриш-туришини кузатиш, ҳаёт ҳамиша ҳам бир зайдда фаровон кеча-вермаслигини аниглаш, қадриятларга ҳу-рматини ошириш каби тарбиявий ишлар ўта зарурдир. Жамоат транспортда қариялар ёки ёш болани аёлларга жой бермаслик учун “ухлаш”, телефонда, кўча-кўйда зарурат йўл бе-риш ўрнига уларнинг устига тикка бостириб бориш, жамоат жойларда баланд овозда гап-лашмиш, мусиқа тинглаш ё килилар томоша қилиш, беҳаё сўзлар ишлатиш, навбатда тур-ганларни менсимаслик, “индамаяпти, демек, кўрқяпти” деган маънода ҳар турли андиша-сизлик қилиш, қўполлик, ожизларга нисбатан зўравонлик, майиб-мажруҳларни ҳақоратлаш ва мазох қилиш каби кўнгилсиз манзаралар шу билан даф этилади.

“Уларга Худого таваккул қилишни маслаҳат беринг, ҳар хил оқимларга қўшиб юборинг, бундай оқимлар бўлмаса, ўзингиз ташкиллаштиринг”! Ваҳҳобийлар, ҳиз-буттаҳрирчилар, мазаҳбсизлар, сохта сала-фиёнлар, миссонерлар ва бошқа тоифадаги бузғунчилар айнан юқоридаги гапларнинг амалдаги ифодасидир. Мисол учун, оёқлари орасини штангачиларга ўхшатиб кенг очиб олиб, қўлини кўксига қўшиб намоз ўқий-диганлар минг йиллар давомида яхлит қо-нун-қоидаларга амал қилиб келган ота-бо-боларимиздан ақилроқ ва илмйорқми? Соқол қўйишни суннат санаб, кериладиган, лекин намоз пайти масжид томон эмас, қа-рама-қарши тарафга қараб кетаётганларга

кўпчиликнинг кўзи тушган бўлиши керак. Суннатга амал қилганларнинг фарзни тарк этиши уларнинг илмидан далолатми ё имони-данми, ё тақвосиданми, бу риторик савол бўл-са-да, сира тушуниб бўлмайдиган ҳолатдир.

Ёшлар фақат ўйин-қулгига эмас, ўзлари қизиқарли санаган ҳамма нарсасига интила-ди. Дискотека, наркотик моддалар, ичкилик, айшу ишрат қаторида дин ниқобидаги турли оқимларга ҳам. Уларни чалғитиш жуда ҳам осон. Чунки мия, онг ҳали вакуум, бўшлиқ ҳолатида бўлади, нимани биринчи бўлиб ташласангиз, ўшани маҳкам тутиб қолади. Курыёни қарим араб тилида нозил бўлган, ҳа-дислар ҳам араб тилида, уларни олим эмас, га-разли ниятда бўлган чаласавод тафсир ё, яна ҳам ёмони, талқин қиладиган бўлса, ана шу вакуум сохта илм билан тўлади. Айтايлик, биз “овқат пишган бўлса, еб олинг”, деймиш.

мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлан-тириш, жамиятда тинчликпарварлик, бағри-кенглик, илм-маърифат тамойилларини мус-таҳкамлаш йўлида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳолатта қарши курашнинг энг маъқул ва самарали йўли нима? Жоҳилга жоҳиллик билан қаршилиш кўрсатиш ёниб турган олов-га ёғ сеппи билан баробар. Негаки, жаҳолат ботқоғига ботган киши ўзини тубанликда эмас, юксакда ҳисоблайди, унга кимдир жаҳл қилган сари сазаваси баттар қўзийди. Шу боис, жаҳолатта қарши фақат маърифат билан курашиш керак. Бу Ўзбекистон раҳбарияти танлаган энг тўғри, оқилона ва одилона йўл-дир.

Юртимизда қисқа вақт давомида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзе-бекистондаги Имом цивилизацияси маркази, Ҳадис илми мактаби ташкил қилинди. Бухо-родаги Мир Араб мадрасасига янги ҳаёт бахш этилди. Бу муассасаларнинг барчаси халқи-мизнинг кўп асрли илмий-маънавий меросини ўрганиш, диний ва дунёвий жиҳатдан тадқиқ этиш, миллий ва халқаро миқёсда тарғиб қи-лиш билан бирга, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга ҳам хизмат қиладди.

Бир жиҳатни айтиб ўттиш кераки, Ўзе-бекистон халқи нафақат Хоразмий, Замашша-рий, Ибн Сино, Беруний, Улугбек сингари бутун инсоният цивилизацияси ривожига ҳисса қўшган, балки айни пайтда Имом Мо-туридий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний каби ислом илм-лари таракқиётида ғоят салмоқли ўрин тутган аждодлари билан ҳақли равишда фахрланади. “Саҳиҳул Бухорий” ислом оламида Курыёни қаримдан кейинги энг муътабар манба са-налади. Дунё мусулмонларининг энг катта қисми Имом Мотуридий ақидасини асосий таянч деб билади. Бурҳонуддин Марғино-нийнинг “Ҳидоя” асари ҳали-ҳануз ислом ҳуқуқшунослигининг бош қўланмаси бўлиб қолмоқда. Тасаввуфнинг Баҳоуддин Нақиш-банд каби энг йирик намояндалари ҳам биз яшаётган заминдан етишиб чиққан.

Шунингдек, хайрли ташаббуслар натижа-сида юртимизда турли илмий анжуманлар ташкил этилмоқда. Улар орқали ҳам қўнча Мовароуннаҳр алломамларининг бой мероси халқаро миқёсда тарғиб этилмоқда, ҳам хо-риқлик уламо ва мутахассислар билан жаҳо-латта қарши маърифат воситасида курашиш ғояси йўлидаги сазй-ҳаракатлар бирлашти-риш-чи!

Турли оқимларнинг асосий қуроли оят ва ҳадисларни нотўғри аниглашга асосланган. Мураккаб жумаларнинг биринчи — кўп-инча амр шаклидаги қисми ўқиб, бу амрнинг шарти бўлган иккинчи қисми ташлаб кетила-ди. Тафсир, фикр, ақида каби диний илмлар-дан беҳабар одам бу қармоққа тез иллинади. Илгинда ҳам шундай иллинадики, бутун онгу шуури ва вужуди билан ўша ёлгон ақи-дани ҳимоя қила бошлайди, бошқа ҳеч на-рсани қабул қилолмай қўяди. Шунинг оқибатида “жиҳод” учун “олавий нуқта” қарга кетади, ўзи яшаётган жамиятни пароканда қилишга интилади, ўзинга ҳамфикр бўлмаганларни ко-фирга чиқаради ва бошқа номмақул ишларга қўл уради.

Албатта, байрам арафасида бундай аччиқ гаплар бирмунча нуётин кўриниши мумкин. Лекин тан олиш керак: **мустақиллигини кўра олмайди, ёт ғоя ва мафқуралар билан мамлакатимизни ичкаридан бузишни истаган қучлар ҳали ҳам бор. Давлат қуруқ декларациясини ўзи билан мустақил бўлиб қолмайди. Мустақиллики ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш керак. Қутлуг байрам арафасида қалбимиз су-рур ва фаҳрга тўлар экан, бу шуккуҳни асраш, муҳофаза қилишни ҳам ўйлаш зарур. Ҳаёт фақат қутлуг саналарни нишонлашдан иборат эмас. Ҳаёт кураш демекдир.**

Албатта, Ўзбекистон раҳбарияти бу бора-да бир дақиқа ҳам ҳушёрлиқни йўқотгани йўқ. Аксинча, бош шииримиз бўлмиш “Жаҳолатта қарши — маърифат” ғояси асосида ҳамюрт-ларимизни, айниқса, ёшларни радикал ва эк-стремистик оқимлардан, “оммавий маданият” унсурларидан ҳимоялаш, уларда кучли маъ-навий иммунитетни шакллантириш, дунёқа-раш ва тафаккур доирасини кенгайтириш,

Байрам барчамизга муборак бўлсин!

yuz.uznews

Бугунги кунда чинакам билимли, маънавиятли ва маърифатли одамгина ўз қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва овоз жамиятга алаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун ҳаракат қилиган. Бу эсанга, эркин, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган, мавжуд қийинчиликлар, муаммоларни очик-ойдин баён этадиган, Ватанимиз раънақи ва келажак учун масъулиятини ўз зиммасига оладиган, иқтидорли ва ҳорижий тилларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялашни тақозо қилиди. Шу тасмалда биз — педагоглар, профессор-ўқитувчилар бор билим ва салоҳиятимизни ишга солиб ҳаракат қилишимиз зарур.

ҚАЛБДАГИ ФАХР, МАСРУРЛИК ЮРТГА БЎЛГАН МУҲАББАТДИР

Абдували ҚАЮМОВ,
“Меҳнат шухрати”
ордени соҳиби

Ватанни нима учун яхши кўришим... бунга тушунтириш қийин. Мана куни кеча Мустақиллигимизнинг 33 йиллик байрами кенг нишонланди. “Янги Ўзбекистон” боғидаги тантанали байрам тадбирида ҳарбийларимиз чиқишдан тўлқинландим. Бу гапни ҳозир сизга оддий қилиб тўлқинландим, деяпман, лекин бу тушунтириб бўлмайдиган бошқача туйғу. Балки ватанга бўлган муҳаббат шудир?!

Очиғи, шундай юртда туғилганимдан фахрланаман. Мамлакатимизнинг тинчлиги, сарҳадларини кўз қорачигидай асрайдиган ўғлонлари қалбимда ифтихор туйғусини уйғотади. Айтганча, ким ёки нима биландир фахрлансангиз, демак, уни яхши кўрасиз-да, тўғрими?! Ватанга бўлган меҳримиз ҳам шундай. Уни нима учун яхши кўришингизни билмай севасиз.

Йигирма йилдан бери Навоий кон-металлургия комбинатида фаолият юритаман. Ҳозир вақт ортга қайтиб, яна касб танлаш қаршида турсам ҳам барибир шу ерни танлаган бўлардим. Чунки ўз



ишимни яхши кўраман. Оддий рудадан қиймати баланд рангли металлари ажратиб оламиз. Ишлаш давомида ҳам ўйлаб қоламан, инсон ҳаёти ҳам мана шу рудаларга ўхшасан керак деб. Гўдакни оқ қозғога ўхшатаман, ким қандай тарбияласа, ўшандай инсон бўлади. Рудалар ҳам гўёки гўдакдай гап, уларнинг ичиди олтин ҳам, мис ҳам бор. Биз энг кераклиларини ажратиб оламиз ва бу жуда узоқ, машаққатли меҳнат. Ёшлар тарбияси ҳам оғир масала. Бугун юртимизда ёшларга катта эътибор берилганлигини кўраётганман.

Президентимиз ҳам байрам табриғида таълим ва тарбияга алоҳида эътибор бериш. Яхши кадрлар ҳар қандай соҳани ривожлантиради. Бизнинг комбинатимиз мисолида айтганим бўлса, яқин йилларга ҳам ўзимизнинг кадрлар жуда кам эди. Ҳозир деярли барча ишчилар Навоий вилояти ва

унга қўшни ҳудудларнинг туб аҳолисини ташкил қилади. Бундан ташқари, техникаларимиз учун кўплаб эҳтиёт қисмлар ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришмоқда. Хориждан энг сўнгги русумдаги дастгоҳ ва техникалар олиб келинапти. Уларни ёшларимиз унчалик қийналмасдан ўзлаштириб олмақда. Бунинг барчаси юртимизда таълимга, иқтисодий барқарорликка катта эътибор берилганлигининг натижаси деб биламан.

Тарбияни ҳам унутганимиз йўқ. Кеча-қандай ҳарбийларнинг чиқиши, айниқса, ватанни ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирланганини ниҳоятда тўлқинлантирди. Уларнинг фарзандлари отасининг йўлини давом эттириб, чегарачи, ички ишлар, божхона каби соҳаларни танлагани кўксимизни ғурурга тўлдирди. Мана шу чиқиш ҳам аслида, тарбия. Бугунги ёшларимизга, уларнинг келажаки йўлини тўғри танлашига туртки.

Юртимизда ёшлар тарбияси, уларнинг таълим олишига жиддий қаралаётганини рудадан рангли металл ажратиб олишимизга ўхшатаман. Бундай ислохотлар самара бериб, ёшларнинг қалбидаги туйғулари сараланади. Натижада эса энг қимматбаҳо туйғу, ватанпарварлик қалқиб чиқади.

Ҳа, мен ватанни нима учун яхши кўришимни аниқ айтиб бера олмайман. Лекин уни яхши кўрадиган, юртсевар ёшлар қандай камол топиши ҳақида гапира оламан. Бунга янги Ўзбекистондаги ислохотларни сарҳисоб қилиб олишимиз мумкин. Юртимизнинг шундай жиҳатлари сабаб тараққий этаётганини кўриб фахрланаман. Ана шу фахр, масрурлик ватанга бўлган муҳаббатимдир.

ШИРОҚДАЙ ШАХСЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ БАЛАНД ЖАМИЯТ ТАРБИЯЛАЙДИ

Манзур АБДУЛЛАЕВ,
“Меҳнат шухрати”
ордени соҳиби

Юртимизнинг шонли тарихи бор. Тўмарис, Широқдай қаҳрамонлари, маҳалла тизимидаги қадриятлар ўчоғи бор. Биз мана шу юртда туғилиб ўсдик, қадр топдик. Биз ватанни танлаганимиз йўқ. Худди ота-онамиз каби тақдир бизни шу заминга муносиб кўрди.



Онамиз бизни дунёга келтиргани учун бегараз яхши кўраман. Ватанга бўлган муҳаббатни ҳам худди шундай деб биламан. Ҳақиқий фарзанд бўлса, юртни ҳеч қандай сабабсиз, таъма қилмасдан севади. Тўмарис ва Широқни бекорга эсламадим. Улар ватанпарварлик тимсоли, жонини шу юрт учун тиккан шахслар. Улар юрт бошига ташвиш тушганида энг одилона йўлни танлади. Кўксини қалқон қилиб юртни асради. Ватанга бўлган муҳаббат мана шундай бўлади. Она юртни нима учун яхши кўришингизни доим тасвирлаш шарт эмас. Зарур вақтда қаҳрига лаббай деб жавоб берсангиз бўлди. Ўша даврда юртни фақат Широқ яхши кўрган деган хулосага ҳам бормаслик керак, у шунчаки оқилона йўлни топа олган. Бутун жамиятда ватанпарварлик руҳи баланд

бўлгани учун улардек мард, танти ва тadbирли шахслар етишиб чиққан. Бугун ҳам юртимизда шундай муҳит яратишга катта эътибор берилляпти.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларини яхши эслайман. Ўша вақтларда аравани ўзига томон тортмоқчи бўлганлар кўп ва турфа эди. Таҳликали вақтда ўзимизни асраб қола олдик. Бугун ҳам бу мавзуну долзарб. Ҳозирги таҳликали замонда ёшларни турли ёт гоялардан асраш, уларни Широқ ва Тўмарисларга муносиб авлод қилиб тарбиялаш керак.

Бу борада юртимизда жуда кўп ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маҳалла тизимини мутлақ янгиллаш сабаб ёшлар

таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш имкони туғилди. Яъни қадимий қадриятларимизга мос равишда нурунийлар маҳаллада фаол фуқарога айланди. Масалан, ҳозир маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ўз куч ва билимларини ёшларга синдиришда алоҳида ўрин тутади.

Бунга ўзим яшаб, фаолият юритадиган Қўқон шаҳри мисолида айтсам. “Бир фаол нурунийга ўн нафар ёш” лойиҳасида шаҳар бўйича тўрт юз нафарга яқин ёшларнинг муаммолари бартараф этилди. “Бувижонлар мактаби” иш фаолиятида 150 дан зиёд оила яраштирилди ва кўплаб оилалардаги ажримлар олди олинмоқда. Ёшларнинг бандлигини таъминлашда ҳам нурунийлар фаол. Бунинг барчаси ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор деб биламан. Бугунги мана шундай уринишларимиз, ҳаракатларимиз эртага самарасини беради. Ватанпарвар, элсевар ўғил-қизлар биз кўзлаган марраларни забт этади. Мана шу ҳаракатлар, ислохотларнинг иштирокчиси бўлиш, самимий меҳнат қилиш ҳам аслида ватанпарварлик.

Айрим ҳолларда одамни ўзи яшаб турган макондан бездирадиган жиҳатлар ҳам бўлади. Масалан, атрофдаги одамлар яхши бўлмаса, бундай жойда яшашни истамай қоласиз. Аммо шунда ҳам сиз ўша ердан эмас, одамлардан қочган бўласиз. Ўзига шукрки, жуда ажойиб халқимиз, очиқ кўнгли одамларимиз бор. Улар мустақил Ўзбекистоннинг таяничи, жон томири. Шу эл Ватан шони-шавкатини кўтаради! Мен шундай халқимиз борлиги учун ҳам шукрона айтаман.

ЧИН БАҲО

худуд ривож, одамлар бахтиёрлигида акс этади

Жамшид НАСРИДДИНОВ,
Каттақўрғон тумани ҳокими

Шу кунларда бутун юртимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллик байрами шуккуҳи давом этмоқда. Мана шундай тарихий кезларда одам ўзини, қилаётган ишини беихтиёр сарҳисоб қиларкан. Жондан азиз шу Ватанимнинг бир фарзанди ўлароқ уни қанчалар севиши, бу йўлда эришилган ва бой берилган имкониятларини таҳлил этаркан. Бир томондан Каттақўрғон тумани ҳокими бўлиб фаолият юритаётган масъул, бошқа томондан, шу юртнинг барча қатори оддий ўғлони сифатида виждоним билан савол-жавоб қиламиз, тортишамиз. Аҳоли ҳаётида ўзгаришлар сезиляптими, уларга қандай енгиллик ёки қулайликлар яратилди? Шу каби саволлар баҳсимизнинг асосий мавзуси бўлади.

қулунай етиштиришни ривожлантириш мақсадида 102 та хонадоннинг 2 гектар томорқасида иссиқхона ташкил этилди. Умуман олганда, туман бўйича 480 та хонадонга 9 миллиард 158 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, 8 минг бош парранда, 300 бош қорва, 80 сотих майдонда ихчам иссиқхона, 200 қути асалари уси, 90 та тикувчилик ускунаси ва 85 та мотокультиватор етказиб берилди. Натижада 480 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Президентимиз бир йилгилишда халқимизга балиқ эмас, қармоқ беришимиз кераклиги ҳақида айтган эди. Бу фикр фаолиятимизнинг асосий мезонига айланиб, самарасини бермоқда. Мисол учун, Мундиён маҳалласида яшовчи Дилмурод Сапторовнинг 15 сотих томорқаси 3 сотихига картошка, 4 сотихига қулунай, 5 сотихига узум ва нок кўчатлари ҳамда 3 сотихига помидор экилди. Кредит ҳисобига мотокультиватор олиб берилиши натижасида иш ҳажми қисқариб, хонадоннинг йиллик даромади 40 миллион сўмдан 85 миллион сўмга эди.

Ўтган давр мобайнида 4,2 минг нафар аҳолига 1446 гектар ер майдони ижарага берилди. Ёшларнинг даромадини ошириш мақсадида банд бўлмаган ёшлар учун 609,3 гектар ер аукцион савдоларига чиқарилди ва унда 1304 ёш йигит-қиз голиб бўлди.

2024 йилда туманимизда 25,2 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган,

шундан инвестиция лойиҳалари орқали 1,4 минг, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали 9,9 минг, қишлоқ ҳўжалигида 13,4 минг, қурилиш соҳасида эса 500 аҳоли бандлиги таъминланди. Шунингдек, янги тадбиркорлик субъектлари сонини 1378 тага ошириш мақсад қилинган.

Жорий йил январь-май ойларида 188 та кичик бизнес субъекти ва 391 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

2023 йил ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 381,2 миллион долларлик 109 та лойиҳа ишга туширилиб, қарийб 1,5 минг фуқаро иш билан таъминланди. 2024 йилда эса умумий қиймати 101,1 миллион долларлик 127 та лойиҳани ишга тушириш орқали 1300 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган. Айни пайтгача 22 та лойиҳа ишга туширилиб, 200 та янги иш ўрни яратилди.

Тўғри, ўқувчига рақамлар бир оз зериқарли туолиши мумкин. Лекин ҳар бир факт ортда мингглаб юртдошларимиз такдири акс этишдан келиб чиқиб, уларнинг айримларини таъкидлаб ўтишни жоиз топдик.

Ҳа айтганча, гапни сарҳисобдан, виждон тарозисидан бошлагандик. Назаримда, ҳокимнинг чин баҳоси ўша ҳудуд ривож, у ердаги одамларнинг бахтиёрлигида акс этади.

НОЗИК ХИЛҚАТ ЭГАЛАРИНИНГ ЎРНИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Ирода МУСАЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

Хотин-қизлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, опа-сингилларимизнинг ҳар бир жабҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини сўнгги йилларда янада қучуқ хис этмоқдамиз. Турли соҳаларда эришаётган ютуқ ва муваффақиятлари аёлларга эътибор юксаклигидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил ислохотлар уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш имконини бермоқда.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида меҳнат билан банд аҳолининг 50 фоизи хотин-қизлардир. Вилоят аёлларининг бошқарув соҳасидаги улуши 30,6 фоизга, сиёсий партиялар сафида 41 фоизга, тадбиркорликда 32 фоизга етди. Юсак салоҳиятли, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан 620 га яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилаётган бўлса, халқ депутатлари шаҳар, туман кенгашлари депутатларининг 132 нафари, вилоят кенгаши депутатларининг 17 нафари хотин-қиз эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятда таълим-тарбия соҳаларида меҳнат қилаётган ҳодимларнинг 74,5 фоизини, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 77,9 фоизини, саноат ташкилотларида 41,5 фоизини, қишлоқ ҳўжалигида 39,2 фоизини, илм-фан ва техника соҳасида 34 фоизини айна аёллар ташкил этаётгани уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигидан дарак беради.

Давлат ва жамият бошқарувидаги ишторокни қучайтириш мақсадида вилоятда 1618 нафар фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Жорий йилда уларнинг раҳбарлик лавозимларига муносиб, юқори билим ва салоҳиятга эга 9 нафари Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган “Раҳбар аёллар мактаби”да малака ошириб қайтди. Мазкур номзодларнинг барчаси бугун раҳбарлик лавозимларида ишламоқда.

Аёл раҳбар сифатида фаолият кўрсатишининг ўзига хос ижобий жиҳатлари бор. Яъни нозик хилқат соҳибалари ижтимоий масалаларга юракдан ёндашади, дилдан ўтказиб қарорлар қабул қилади. Ижтимоий масалалар эса халқнинг дарди, халқнинг муаммоси, шу кеча-кундузда унинг бошидан ўтаётган муаммолар билан узвий боғлиқдир. Аёл бунга кўпроқ, теранроқ туйишининг яна бир сабаби у оила бекаси, болалар тарбиячиси, уларнинг соғлиғи учун қайғурадиган шифокордир. Сиёсий ҳаётда фаол опа-сингилларимиз айна мана шундай хислатлари туйфайли қонунларнинг янада ҳаётий бўлиши учун курашади, аниқ масалалар, муаммолар ечимини учун жон қўйдилади.

Кейинги йилларда аёлларимизнинг илмий салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб берилди. Бунинг тасдиғи сифатида сўнгги уч йилда Хоразм вилоятида 13 нафар фан доктори ҳамда 190 нафардан зиёд фан номзоди даражасига эга олимпиа аёл илм-фан тармоқларининг турли соҳаларида илмий фаолият юритмоқда.

Чуқур билим ва маънавий баркамоллик устун жойда ҳамisha тараққиёт бўлади. Юртимиз хотин-қизларининг сифатли таълим олишига алоҳида аҳамият қаратилаётгани боиси шунда. Мазрифатпарвар жадид бобомиз Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”.

Дарҳақиқат, қиз бола олий маълумотли бўлса, қанчалик билим ва салоҳият олса, бунга келгусида фарзандларига ҳам “юқтиради”, ҳар томонлама баркамол ёшларни вояга етказиш масаласига маъсулият билан ёндашади. Мамлакат келажағи эса мана шундай дунёқарашга эга оналар томонидан яратилади.

Жорий йилда вилоятдаги эҳтиёжманд оилаларда яшаётган қизлар, шунингдек, мутахассислиги бўйича камда беш йиллик меҳнат стажига эга опа-сингилларимиз олийгоҳларга алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди. Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган эҳтиёжманд қизлар ҳамда бокучиси бўлмаган ёлғиз аёллардан 150 нафарининг контракт тўловлари тўлаб берилди.

Ушбу муаззам кунларда барча юртдошларимизни “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанимиз!” гоясини ўзида мужассас этган истиқлолимизнинг 33 йиллик шодлиғи билан самимий кутлайман. Мустақиллигимиз абадий бўлишини, юртимизда тинчлик-осойишталик мангу ҳукм суришини, мамлакатимиз янада юксалиб, бундан тараққий топишини тилаб қоламан. Янги Ўзбекистонни барпо этишда ва Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлган ёш авлодни тарбиялашда юртимиз аёлларига куч-қувват ва ғайрат-шижоат ёр бўлсин!



Дарҳақиқат, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади иш ўринларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартиришдир. Бу йўналишда туманимизда ҳам манзилли чора-тадбирлар асосида самарали ишлар йўлга қўйилган. Ўтган йили камбағаллик даражасини 14 фоиздан 10,5 фоизга туширишга эришилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорликка 85 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 2,3 миллиард сўм субсидия, деҳқончилик учун эса 2063 гектар ер майдони ажратилди. Бундан ташқари, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш учун 111 гектар ер майдони савзавотчилик йўналишида 115 лотда аукционга чиқарилди. Туман бўйича 1200 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 200 та қорхона фаолияти кенгайтирилди. Пировардиди, ўтган йили 3000 аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Худудларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишда лойиҳабай ва хонадонбай тизими жорий қилинган қўл келляпти. Масалан, тумандаги Қумоқ маҳалласида мингдан ортқ хонадон, бошқача айтганда, улардаги 4800 нафардан зиёд аҳоли қулунай етиштириш билан шугулланади. Иссиқхоналар қуриш орқали



Тагин ўша аёлни тушимда кўрдим. Менга у ҳар гал турли шакл ва ўлчамда намоён бўлади. Бу сафар азал-азалдан одамлар яшаб келган ва энди ташлаб кетилган уйга ўхшаб кўринди. Уйнинг деразасини хирагина ёриб чиқиб, зулматга найзасини қадаб турадиган чироқ ҳам унинг кўксига аллақачон ўчган. Бу чироқни ўзи ўчирдим ё бошқа бировми — уни билмайман, ўйлаганим сари ҳаммаси туннинг бағри каби қорайиб, мавҳумлашиб борапти. Тун эса муаззам. Ана, қоронғи маъвода юлдузлар мушакбозлик қиляпти. Содик қўриқчидай фонус кўтариб юрган ёнарқўнғиз юлдузларни оралаб юрибди. Чигирткалар гўё кеча қўйнидан сирли оҳанглари бир-бир териб олаётгандек узиб-узиб чириллаяпти. Мен буларни қаердан билияман, кўраётганим тушми ё ўнгимми?

Шу пайт давра айланиб ўйнаётган қизлар монанд менинг олдимдан тўғри абадийлик томон ўтиб кетаётган вақт илқидан варақлари титилиб кетган сап-сарик дафтар тушиб қолади. Қизиқувчан шамол очишни истайди-ю, изтироб сиёҳида битилган, аччиқ қисматлардан сўз очувчи дафтар ҳақиқатида дош беролмаслигини тушуниб, нари кетади. Мен эса, аксинча, негадир ютоқчи ўқиш учун унга қўл узатганим ҳамоно дафтардан кулоқни батанг қилувчи шундай қичқиряқ эшитиладикки, тушимнинг деворлари зириллаб кетади, сўнг у кўпириб оқаётган тим қора лойқа остида босилиб, эшитилмай қолади. Мен унинг чўкиб кетаётганини англайман, бу гуссани кўтариб қолган туш учун бармоқларимни ҳарфларга узатиш:

“1907 йилда Чуст районининг Чуст қишлоғида туғилган, СССР граждани, партия-сиз, 1927 йилдан 1937 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган ва синфий ҳушёрлигини йўқотган ҳамда аксилинқилобий унсури билан алоқа боғлагани учун партиядан ўчирилган, қамал-гуннига қадар Тошкент шаҳри Киров тумани партия кўмитаси қотиби бўлган Собира Холдорова ЎзССР Жиноят мажмуасининг 63-ва 67-моддалари бўйича айбдор саналади.

Ушбу ишни кўриш учун СССР НКВД хузуридаги алоҳида мажлисга йўлансин”. Саҳифа сўнггида яна бундай ёзув бор: “Маълумотнома Айбланувчи Холдорова 1937 йилнинг 22 сентябридан бошлаб қамоқда. Ички ишлар халқ комиссарлиги СИЗОсида сақланмоқда. Иш бўйича ашёвий далиллар йўқ. НКВД ДХБ шошилинч ишлар бўйича вакили”.

Собира... Ёдимнинг энг чуқур коваклариди қад ростлаган биринчи ўзбек журналисти аёли. Юртимизда хотин-қизлар матбуоти-нинг вужудга келишига улкан ҳисса қўшган Собира Холдорова босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг аччиқ қисмати ҳар саҳифани варақлаганим сайин бутун чалкашликлари билан кўз ўнгимдан бир-бир ўта бошлайди. Қатағонга учраган аёлнинг изтироблари салқин қовоқларимга инади, кўзларимни аниқтади, аммо барибир ўқидимдан тўхтамайман.

Мана, унинг тергов анкетаси. Мен ундан Собира Холдорованинг 1907 йили Чустда қамбағал деҳқон оиласида дунёга келгани, 1921 йилгача, яъни ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар интернатда тарбиялангани, ўқигани, Москвада журналистика соҳасида таълим олгани, коммунистик партия сафига кирганини билиб оламан. “Янги йўл” журнаliga биринчи муҳаррирлик қилган Собиранинг оиласида 12 ёшли ўғли Пўлат ва 5 яшар қизи Манзура, қари онаси Комила бор. Эри Мўмин Усмонов аксилинқилобчи саналиб, ундан хиёл олдинроқ қамоққа олинган.

Собира Холдорова ва Мўмин Усмоновнинг икки боласи етимхонага жўнатилади. Эр-хотинга тегишли мулк ҳар бириники алоҳида-алоҳида хатга олинди, онаси билан болаларининг кийим-боши, кўрпа-ёстиғига гўшг қиймалагичдан тортиб, қошиққача — бари мусодоҳа қилинади. Биргина аёлга тасаввурга сиғмас даражада зуғум ўтказишга мажбур қилган сабаб нима эди? Унинг айби бормиди ўзи?

Кейинги варақни очаман. Унда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1936 йилнинг 26 мартда Холдоровага нисбатан эълон қилган қарори келтирилган:

“Тергов Собира Холдорованинг Ўзбекистондаги аксилшўровий ўнг троцкийчи ташкилотининг аъзоси бўлганини аниқлади. У Ўзбекистон К(б)П Марказий Кўмитасининг

собик сарқотиби, ҳозирга келиб отиб юборилган халқ душмани Акмал Икромов раҳбарлигидаги аксилшўровий миллатчи, ўнг троцкийчи ташкилотга аъзо бўлган. Шу уюшма топшириғига кўра, ғоявий фронтда зараркунандлик қилган. Марксизм-ленинизм классиклари асарларининг ўзбек тилида нашр этилишига зарар етказиш ниятида Холдорова 1932-1934 йилларда эри Усмонов билан биргаликда ўртоқ Сталиннинг “Ленинизм масалалари” асарини бузиб таржима қилган ва 30 минг нусхада чоп этган. Охир-оқибатда сиёсий хатолари туфайли бу китоб савдо ташкилотларидан йиғиштириб олинган ва натижада давлатга 144 минг 782 сўм 82 тийин зиён етказилган”.

Бу орада Собира Холдорованинг “жиноят иши” кўрилмади, турмада азоб чекиб ётади. Кўзим олдида зах, қўланса ҳидга тўйинган тўрт совуқ девор ичида титраб-қақшаб ётган Собира тасвири гавдалангач, оёғимга минглаб чумоли ўрмалагандек сесканиб кетаман. Кейинги саҳифага ўтишга мажолим қолмайди, аммо ҳақиқатни билишим шарт, чеккан гуссалари ҳаққи, билишим зарур.



Мана, Комила она ички ишлар халқ комиссари Саджаева 1939 йил 15 декабрда йўллаган аризасида қизи Тошкент турмасида ётгани, икки йилдан ортиқ тергов қилинаётгани, аммо тергов якунидан дарак йўқлигини, қизи айбдор бўлса, терговни тезлатиб суд қилишларини ёлвориб сўраган. Бир хил йўсинда азовбайвериб зериккан терговчилар ниҳоят сўнгги ҳукмига рухсат беради — Собира Холдорова 1940 йилда СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги алоҳида мажлиси қарори билан 5 йил муддатга Ёкутистонга бадарга қилинади. Собира муддатидан олдин, яъни 1942 йили қайтиб келганидан кейин ҳам уни тинч қўйишмайди. 1949 йил майида у яна Тошкентдан бесабаб сургун қилинади. Тагин руҳий хасталар шифохонасига тушади ва уч ой даволанади. Лекин ҳали шифо топиб улгурмасидан Тошкентдан 50 километр нарига жўнатилади.

— Терговчи?
— Қовоқлари солиқ, соқоли қирилган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, қаримсиқ юзига қараган одамнинг юраги нохуш бир ҳисдан орқага тортар эди. Нафрат билан қаради. Мазах қилиб роҳатланарди. Кишини бўғиб,



ҳолсиз қилиб қўядиган бу адоват менга ўшанда унинг бутун танасидан, бутун вужудидан, қоқшол бўлиб қолган барча қон томирларидан ҳамда чакалакзор ичидати лаянлатилган кўрган каби нураб ётган умр қалъасидан уфурётгандек туюлганди.

— Ҳид?
— Терговчидагими? Унга қараб туриб, доимо дуд ҳидини туярдим: балки менга шундай туюлгандир, аммо бу оддий тутуннинг ҳиди эмасди, мен бундай ачимсиқ ҳидни кўп йиллар аввал қишлоғимиздаги овчиларнинг қурум босган милтиғида ҳис этган

“Тергов Собира Холдорованинг Ўзбекистондаги аксилшўровий ўнг троцкийчи ташкилотининг аъзоси бўлганини аниқлади. У Ўзбекистон К(б)П Марказий Кўмитасининг собик сарқотиби, ҳозирга келиб отиб юборилган халқ душмани Акмал Икромов раҳбарлигидаги аксилшўровий миллатчи, ўнг троцкийчи ташкилотга аъзо бўлган. Шу уюшма топшириғига кўра, ғоявий фронтда зараркунандлик қилган. Марксизм-ленинизм классиклари асарларининг ўзбек тилида нашр этилишига зарар етказиш ниятида Холдорова 1932-1934 йилларда эри Усмонов билан биргаликда ўртоқ Сталиннинг “Ленинизм масалалари” асарини бузиб таржима қилган ва 30 минг нусхада чоп этган. Охир-оқибатда сиёсий хатолари туфайли бу китоб савдо ташкилотларидан йиғиштириб олинган ва натижада давлатга 144 минг 782 сўм 82 тийин зиён етказилган”.

йил ўтгач, ҳақиқат қарор топди — 1956 йилнинг 22 июнида Туркистон ҳарбий округи ҳарбий трибунали Собира Холдорова ишини қайта кўриб чиқди. Подполковник Гусков раислигида, адлия подполковниклари Щербаклов ва Иванов аъзолигида ажрим чиқарди. Ажримда бундай сўзлар битилди:

“Холдорова иши бўйича тергов ҳолис олиб борилмаган, қонунга хилоф равишда айблагша уринилган. Холдорова ҳибсга олингандан сўнг орадан ўн етти ой ўтгандан кейингина унга айбнома эълон қилинган”.

Бу гал терговчилар салафлари эътибор қилмаган кўрсатмаларини инобатга олади. Кеч бўлса-да, инсоф кирибди, деб ўзимни овутгандек бўламан. Кейинги саҳифада ўтаман. Кейинги саҳифада бунга боз тўхталашади:

“Дастлабки терговда Холдорова ўзининг аксилшўровий миллатчилик ташкилотига аъзолигини қатъиян рад этиб, ўзининг фақат Сталиннинг “Ленинизм масалалари” китобини ўзбек тилида хатолар билан чоп этишда айбдорлигини тан олади. КПСС Марказий Кўмитаси қотибига ёзган шикоятда ҳам, 1956 йил мартдаги терговда ҳам Холдорова аксилинқилобий фаолиятдаги айбни қатъиян рад этган”.

Ана шу ва бошқа қатор ҳолатлардан келиб чиқиб, СССР НКВД хузуридаги алоҳида мажлиснинг Собира Холдоровага доир 1940 йил 5 декабрдаги қарори бекор қилинади. Ҳа, бекор қилинади. Аммо муборак адолатнинг қарор топиши ўн тўққиз йилга кечиккан эди. Собиранинг ўн тўққиз йиллик ҳаёти ҳасратда ўтди. Бу азоб-уқубатлар эса асоратсиз кетмади. 1940 йил 5 декабрдаги қарор бекор қилингани ҳақидаги маълумотномани Собирага йўллаганларида у қаттиқ бетоб эди.

1956 йилнинг 30 июнь куни бу ҳужжатни унинг ўғли Пўлат имзо чекиб олади, ҳужжатнинг бошқа бир нусхаси орқасига эса



катта лейтенант Пўлатнинг гаплари асосида “С.Холдорова 1956 йилнинг 20 майдан шу кунга қадар Тошкентдаги руҳий шифохонада даволаняпти”, деб ёзиб қўяди.

Ана шу бир парча хатда дўзах азобини тортган аёлнинг машаққатли тақдирини ва алдовлар, иккинзоламачиликлар, фитналардан толган ҳорғин ҳаёти ётибди. Бу ҳаётнинг пурғусса тасвирларини кўз олдимизга келтиришга қанчалик уринмайлик, у чеккан азобнинг мингдан бир бўлагини ҳам ҳис қилишга юрагимиз дош беролмаслиги аниқ.

Собира йигирма тўққиз ёшида қамоққа олинди. Унинг навқирон умри бекордан бекорга мустабид тузум зиндонларида ўтди. Вужудидаги ҳаёт белгиларини сассиқ қамоқхоналарнинг тўкик деворлари ютди. Кўзларидаги нурни тузумнинг юлдузсиз тунлари симирди. У қоп-қора чилвир сочларини ғам дарёсида ювишга мажбур бўлди.

Ҳалол киши ҳам ортига боқиб, гоҳ таҳликага тушади, қанча оқил бўлса, зиммасига шунча масъулият юклайди, ўзига талаби ҳаддидан юқори бўлади. У қайта-қайта икки тушунча, тўғрироғи, икки ҳаёт тарзида, гуноҳ ва савоб оралиғида шахсининг, инсонийлигининг, мусулмонлигининг моҳиятини кўради. Мен ҳам кўрмоқчи эдим, аммо улгурмадим. Ҳафсаламини, эътиمودимни ўлдиришди.
Ахир қачонлардир мен учун ҳам вақт, фарқ, дард... мавжуд эди: кемтикликдан ўзимни қўярга на замон ва на макон топа билардим. Энди эса ҳеч нима йўқ. Фақат ўша йўқликдан мерос қолган соя, сўқир табассум, мўлтироқ нигоҳ, қимғалиги ноаён гина бор: тергов хонаси деворида музлаган ўтмиш...

Мана, ҳозир ўрнимдан тураман-у, бир лаҳза ҳам кўз олдимдан нари жимлайдиган ўша бедил девор чуқурларига муҳрланган мунгли кечамни ўша ўзим тубида сўниб бораётган ягона чўғдан яралажак гулханда ҳеч

қачон, ҳеч қаерда, ҳеч нимадан на хавотирланмай, на ҳаловатланмай, на афсусланмай йўнлган косов билан қовлаб-қовлаб ёқиб юбораман...

Чин англам изҳор ва иқрордан тугилади. Тушуниш ва тушунтиришдан кўнглиларнинг басират кўзини очади. Шахс ўзини эркинликда тугал тиклаганидек бор ҳақиқат ҳурликда ўзига йўл топади. Собиранинг бахти у болалигида шуурига қуйилган улуг каломлар ҳавосини симириб, қадриятлар нималигини билганидадир. Начорак, журналист улар тақиқланган тузумда ёш умрини кечирди. Саодати бир умр эзгулини байроқ қилиб, ҳаёти шомиди истиклолга ета олмаса-да, изҳорга ҳам, иқроғга ҳам улгургани бўлди.

Нонинг ҳақиқий таъмини оч қолган билади, деб марҳамат қилади Жалолиддин Румий. Собира ҳам салкам саксон йил истиклолга зориқди, унинг зилолига ташна бўлди. Шунинг учун у чеккан заҳматларнинг залвори, қувончи ва ҳайратини, ишониб-ишоналмай турган ҳолатини, муқаддас ҳуқуққа етилгандаги ҳаяжонини ҳаёлан таъсир қилиб бўлмайди.

Қаҳратоннинг қари қиздек мумсиқ, кўрбигиз аёзиди бутун вужудини чимчилаётган изғиринга парво қилмай бир аёл бормоқда. Йўлида учраган ҳар неки бор — ҳайрат билан тикилади. Аёзни қарсиллатиб қаёққа кетяпти бу аёл? Йўл юрган совқотмайди. Бунга йўлчи билади. Билгани сари жадаллайди. Мақсад бор, манзил бор, лекин қачон етиб боради, манзилгача умри етармикан? Ҳозир бунга йўллагани йўқ. Бир қадам бўлса ҳам юриб қолгани унга куч беради. Муҳими, юриш керак. Эгни юпун. Қор одамдек кўринади олисдан: оппоқ. Ортидан югурай дейман, аммо йўлларга оёғим бардош бермайди. Ҳеч йўқ исмини айтиб қақрайди деб бир муддат қаловланиб қоламан. Исми нима эди? Ёсладим. Икки қафтимни оғзимга қарнай қилиб қичқираман:
— Ватааан! Она Ва-таан!..

Раҳматли энам “Мустақиллиқни биринчи бор эшитганимда каттароқ одам бўлса керак-да деб ўйлагандим”, деганида мириқиб қулгандим. Энди билсам, у адашмаган экан. Мустақиллик чиндан одам, буюк одам...
Эй сен, менинг буюкларимни қувончдан йиғлатган кун. Эй сен, мен суянганларим сенга суяниб, сенинг келишингни севинчнинг иссиқ ёшлари билан кутиб олган улуг сана. Мен сен келгач, шу заминга томир ташладим, мангу илдиэларимга туташдим ва бугун улар билан тиллашишдек бахтга муяссар бўлдим.

Мен сенга топианам! Саратонда совқотган, қаҳратоннинг қаҳрига қарам бўлмаган баҳодир боболарим, жадид момоларим, Маряму Собирахонларим ҳаққи, нимжон мусича боласи учун қилган жасорати ҳаққи, неки онгсиз мавжудотлар ўз гўшаси учун курашганлари ҳаққи, энамнинг сени янглиш тушунгани ҳаққи, энди доимо мангу бўл, мангу бўл!

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2995.

41369 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манли: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй.

Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова

Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:

100060, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй